

УШБУ
СОНДА:

2-бет

• ҚҮЙНИ
ХОМЛИГИЧА
ЕДИ

Ва қўйни сўйдириб, хомлигича паққос туширди. Еб бўлгач, зудлик билан Шаҳрихонсойнинг музини ёриб, ўн дақиқалар сув ичмда турди. Музининг устки қисмининг унинг баданидан чиққан тер аралаш ёғ қоплади.

• САРОЙМУЛК
ХОНИМНИНГ
МАДАДИ

Жамоа раҳбари муаммони осонгина ечди: ишчиларга пул ўрнига сопол кидир-товоқлардан ҳисоблаб тарқатиб чиқди.

3-бет

• ЮНОН
БАХОДИРЛАРИНИНГ
СИРИ

4-бет

• АЁП — ОСТОНА

Испаниялик бир олим дунёдаги барча халқларнинг одоб-ахлоқини ўрганиб, тасниф қилиб, шундай хулосага келибди: "Маҳордаги ҳамма халқларнинг одоб-ахлоқини жамлашнинг илоҳи бўлганида ҳам, уни ўзбек қизалоғининг қўлда пиёла билан чой узатаётгандаги одобига, ҳаёсига, назокатига тенглаб бўлмасди".

7-бет

• ПАРСЛАРИНИНГ
СУНГГИ МАНЗИЛГОҲИ

"Сукунат минораси" да уя қўйиб олган бу калхатлар атайлаб шу маросим учун Форсиядан келтирилган экан. Ҳиндустондаги калхатлар эса зардуштлиқ қонунарига мувофиқ тезликда мурданни этини суякдан тозалай олишмас [эъни, старича йиртқич эмас] ва кучсиз ҳисобланаркан.

• Панжара

8-бет

• ТТТ мудиридан
хабар келдиКЕЙИНГИ
СОНЛАРДА:

Нормурод МУСОМОВ
ҲАММАМИЗДАН АҚЛИИ
КИЗ ҲАҚИДА

Жуманазар БЕКНАЗАР
УЎГИП БОЛАЛАРДА

УЧРАЙДИГАН
КАСАЛЛИК

Бобоқул
ИБРАТОВ

МЕРОС

ҲАҚИДА

НИМАЛАРНИ

БИЛИШ

КЕРАК?



ХАЕЛ ОҒУШИДА

«Оила ва жамият» 48 [171]

Бир куни

“БИЗНИНГ ХОТИН
МАЛАДЕС”

Ҳар ойнинг охириги шанба кунини бир гуруҳ дўстларим оралиқиб кутишади. Бир куни тасодиф билан улар даврасида ўтириб қолдим.

Ҳаммалари хотинлари билан бирга, етаклашиб келишган. Дастурхон атрофида хушчақчақлик билан гурун қилишарди. Бир маҳал дастурхонга половхонтўра тортилди, изидан эса ҳар хил ичимликлар тахлаб қўйилди. Эркалар бирин-кетин ичимликлар ичишиб, ширакайф бўлиб қолишди.

Шу пайт кўзим хотиң-қизларга (улар

алоҳида дастурхонда эдилар) тушди. Не кўз билан кўрайки, улар ҳам бемалол “Жасорат”ни ўзларининг келажиги учун тўқитиришарди. Бир дўстимнинг хотини эса “мен ичмайман” деб туриб олди. Эркалар уни “эрингиз учун, биринчи фарзандингиз ўғил бўлиши учун олинг” деб қистирди. Ёнимда ўтирган йигит ўзининг хотинини бизиз қилиб: “Бизнинг хотин маладес, қанча берсангиз ҳам ичаверади”, — деб мақтанди. Мен эса баъзи ўзбеклар дастурхони шундай бўлиб қолганидан афсусландим.

Олим БЕКНАЗАР

Шов-шув

ҚЎЙНИ
ХОМЛИГИЧА
ЕДИ

Бурноғи йили қишда, Асака тумани Найман қишлоғилик Саттор ака бир “гап”да жўралари билан “ўртамеёна қўйни сўйиб, хомлигича еб тугатаман”, деб гаровлашиб қолди. Ва бир қўйни сўйдириб, хомлигича... паққос туширди. Еб бўлгач, зудлик билан қишлоқ биқинидаги Шаҳрихонсойнинг музини ериб, ўн дақиқа сув ичига тушиб турди. Музининг устки қисмини унинг баданидан чиққан тер аралаш ёғ қоплаб олди. Полвон мукофотга бир болали қўй ютиб олди, ҳамда “гап” беришдан озод бўлди.

Шу қишлоқлик Мадамин “понсон” деганлариям қизиқ гаров боғлади. Бир ўтиришда икки килолик харажатдаги паловга бир кило пивзни майдалаб тўғраб, қўйиб еб қўйди. У ҳам гаровда ютиб чиқди. Унинг кўричаги ерилиб кетиб, ҳаёт билан видолашишига оз қолди.

Мана, яна қиш бошланди. Найманликлар “гап”ни бошлашди. Кўрайликчи бу сафар қанақа гаплар бўларкан.

Р. ТОШКАНОВ,
Андижон вилояти

Ҳодиса

САРОЙМУЛК ХОНИМНИНГ
МАДАДИ

*Айтишларича, Амир Темури хазратлари Эронга қарши юриш қилганларида лашкарларни озуқа билан таъминлашга маблағи етмай қолади. Шунда соҳибқирон Сарой Мулк хонимга шундай мактуб йўллади: “Кўшининг захираси тугади, хазинадан зар юборинг”. Зукко малика эса, шундай жавоб биттади: “Улуг амир, заргарингиз тугаган бўлса, сиеватингиз ҳам тугадими?”. Шундан сўнг жаҳонгир ҳар хил мол суякларини йиғиштириб, кесдириб, тамга бостириб вақтинча пул ўрнида муомалага чиқартиради. Айтмоқчи бўлган гапимиз шуки, бир вақтлар чор-атрофга донғи кетган Шеробод бадийи буюмлар завуди (ҳозирги “Кулол” акцио-

нерлик жамияти) хазинасида бир тийин ҳам пул қолмагач, шу жамоанинг раҳбари Эштемир Нурқобилов улуг бобомиз ва момомизнинг тадбирини эслаб, ундан унумли фойдаланди. У киши бирон жойга мактуб ҳам йўлламади, ердан ҳам сўрамади. Муаммони осонгина ечди: ишчиларга пул ўрнига ўзлари ишлаб чиқарган сопол идиш-товоклардан ҳисоблаб тарқатиб чиқди. Аммо, уйларида идиш-тового етарли бўлган ишчилар харидор излаш билан овора.

Ҳар қалай, ишбилармон раис бува танг ҳолдан кутулиб кетгандай бўлди...

Маҳмуд АБДУЛҲАЙЗ
Сурхондаре вилояти

Етти кун

ТЎЙ, ТОМОША, ҲОРДИҚ

Яқинда Тошкент Давлат Ирригация олийгоҳи “қирчиллама” 60 ёшини дабдаба билан нишонлади. Ҳаммадан ҳам илм толибларига маза бўлди. Тўйнинг ёғлик паловларидан еб “чарчаган” талабалар Маданият саройида берилган катта концертни мириқиб томоша қилиб, хордиқ чиқардилар.

САВОБ

Пахтакор туманига қарашли “Самарқанд” давлат ҳўжалигига ҳашар йўли билан масжид қурилиб, ишга туширилди. Қўшни ҳўжалик масжидига қатнаб юрган намозхонларнинг мушқуллари осон бўлди.

БАҚЛАЖОННИНГ КАСОФАТИ

Термиз шаҳрилик Турсуновлар хонадони эрта кузда бақлажондан банка ёпишганди. Яқинда бақлажон консерваларидан бирини очиб, рўзгордаги олти киши емоққа тутиндилар. Бақлажон эса... шифо эмас, балки захарга айланиб улгурган экан. Оқибатда беш киши захарланди. Шифокорларнинг зудлик билан кўрган чора-тадбирлари туфайлигина беморлардан гўртловининг ҳаёти сақлаб қолинди. Аммо, ўн икки ёшли қизалоқ ҳаётдан бемаврид кетди.

БОЗОРЛАРДА НИМА ГАП

Қамашида совуқ уриб кетганлиги сабабли бу йил ёнғоклар ҳосил бермади. Инчунун туман бозорларида умуман ёнғок сотилмаяпти.

Аҳоли анча қиммат нарҳда Қарши ва Шаҳрисабдан ёнғок сотиб олишга мажбур бўлмоқда.

ТАКЛИФ ҚАБУЛ ҚИЛИНМАДИ

Қақшадарёнинг Қамаши туманида яшовчи ўғил уйлантираётган ота, куда тарафга “қалин ўрнига 10 та қўй бериб қўя қолай” деб таклиф қилди. Аммо, киз тараф таклифни қатъий рад қилди. Тўғрида, бу ёқда гўшт сувтекин бўлиб турганда, қалинни нақд пул қилиб олганга нима етсин.


БУХОРОДА ҲАМ ШУНДАЙ

Бозорда энг арзон нарса гўшт бўлиб турганда, Олот туманида яшовчи баъзи жаноблар кетма-кет қорамол сўймоқда. Қизғин шундаки, уларни қизиқтираётган нарса гўшт эмас, тери экан. Ишбилармонлар бу ерда битта мол териси учун чорвадорларга 400-450 сўмни жойида беришмоқда.

ЎН КУНДАН КЕЙИН...

Ҳа, балли, сайлов бўлади. Унда “Оила ва жамият” газетига тегишли кишилар ҳам бор. Аниқроғи, тахир ҳайъатимизда ўзингизга яхши таниш номлар ёзилган: Дадаҳон Ёқубов ва Фарход Рўзиев. Уларни таништиришимизга зарурат бўлмаса ҳам керак.

Дарвоқе, номзодлар орасида ижодкорлардан Ўткир Ҳошимов, Эркин Аъзам, Азим Суюн, Анвар Жўрабоев, Ёқубжон Ҳўжамбердиев ва Ойдин Ҳожиёваларнинг ҳам номлари бор. Хонадонгизга ўз наслари орқали маърифат нурини олиб кираётган бу инсонларни ҳам яхши биласиз. Қисқаси, сайлов куни шу номзодларга овоз берсангиз хато қилмасиз, деган фикрдамыз.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА
ТАЙЕРЛАНДИ

Хаёт ва мамот муаммолари инсон жамияти бошдан кечирган ва кечирishi мумкин бўлган муаммоларнинг энг оғирликлари ва долзарбидир. Инсон ибтидоидан то интихосигача уни беаёв таъйиб килувчи, унга тушлариди ҳам тинчлик бермовчи табиатидаги ақл ва нафсинг азалий мувозанатига ҳам пугур етказувчи бундай муаммолар туркуми ижтимоий тараққиётнинг барча формацияларида ўзига хос кўринишга эга бўлган. Фан ва техниканинг тараққиёти, ижтимоий оғинг ўсиши замин цивилизациясининг койнотдаги сарҳадси худудларигача қулоч езиши, табобат ва фалсафадаги инқилобий жараёнлар бу муаммонинг долзарблигини янада оширди. Жумладан инсон томонидан инсонни ўлимга ҳукм қилиниши, яшагга лаёқатли ҳомилани олидириб ташлаш, (аборт-исқот) уруш ва тинчлик масаллари, ўз-ўзини ўлдириш, эвтаназия — тузалмас дардга мубтало беморни тиббий йўл билан жонсизлантириш, ўлимдан кейинги хаёт, аъзоларни қичириб ўтказиш, одамлар устида тиббий тажрибалар ўтказиш муаммолари мажмуи, улар энг муқобил фикр ва дунёқарашларга эга бўлиб, ханузгача ўз ечими ва ўзини топмаган. Яқин келажакда ҳам топмаса керак. Бу муаммолар борлиқнинг энг сунгги тирик заррачасига тааллуқли бўлиб, унинг ҳукмини бир ховуч ҳуқуқшунослар, файласуф ва табобат вакиллари ечмаслиги керак.

Социализм кишисининг ахлоқ кодексиди битилган таг-замирсиз йўриқномалар асосида яшаш ва ишлашга кўникиб қолган. 80-йиллар бўсағасида коммунизм отли жаннатда яшаш ҳақидаги рўёга суюнган совет кишисининг хун тартибиди юқоридаги муаммолар йўқ эди. Холбуки, хаёт ўзанида оқар, ўзининг езилмаган қонун-қоидаларини жорий этар, гайри-ихтиёрий равишда юқоридаги муаммоларни қўлдандан қўйди. Сунъийлик ва сохталик қон-қонига сингиб кетган бизнинг авлод вакиллари яқин ўтмишдошларимиз билан

биргалиқда уларнинг устидан ҳатлаб еки четлаб ўтиб келдик. Бугун улар ҳақида баралла гапириш фурсати етди.

Оғли инсон ўзини таниб билган даврдан бошлаб, хаёт ва мамотни таҳлил қила бошлади, унинг оқилона ечими устида бош қотирди. Тарихий манбалардан маълум бўлишича, заминнинг бошқа худудларига қараганда тараққиёт бирмунча эрта кечган

уларни ҳимоя қилмайди. Борлиқда ҳамма нарсанинг ўз қушандаси бор, салгина яшаш лаёқати сусайган жонивор, албатта муқаррар равишда ўз қушандасининг қурбони бўлади, қушанда ҳам ўз навбатиди пешонасига езилган бошқа омилдан интихосини топади. Бу узлуқсиз жараён занжирсимон кечиб, турт унсурнинг табиатда тинимсиз айланишини таъминлаб тура

китобида 1798-йил қуйидаги назарини илгари суради. Ер шарни аҳолиси барча макон ва замонада геометрик, яшаш восталарини ишлаб чиқиш эса арифметик прогресс бўйича кўпаяди. Айнан мана шу номуносивилликлар ўз навбатиди очлик, қашшоқлик, ишизликни келтириб чиқаради. Бу қулфатлар эса тугишини кескин қамайтириш, инсон умрини қисқартириш, кексалар умрини узайтирмаслик, даре-даре қон оқишига сабаб бўлувчи урушлар востасида бартараф этилиши мумкин. Айни пайтда бу одамқул олимнинг содик давомчилари неомальтусчилар номи билан бутун жаҳонга фақат тугилиши қамайтириш билан инсоният еркин келажакка етишадди деб жор солмоқдалар. Хўш, бу назарияларда жон борми?

БМТ ҳисоб китобиға қараганда қурра-миз аҳолиси 1965-йилда 3 281 млн. нафар бўлиб, 2000-йилда 87%га ошадди ва 6 130 млн.ни ташкил этади. Замонавий илмий тадқиқотлар шунни кўрсатадики, ҳатто ҳозирги билим даражаси билан ҳам инсоният ҳозирги аҳолидан икки баробар кўп одами боқиши мумкин. Демак шопишнинг чоралар қўрмаса, яқин келажакда очликдан ўлимиз деб ваҳимага тушган физик Лойд Беркнернинг башоратлари нотўғри экан. Гарбий Германиялик иқтисодчи Ф. Бааденинг «2000-йилга мусобақа» китобида келтирилишича ер шарни мазкур йилда 6,5 млрд.дан ортиқ одами боқиши мумкин. Д. Берналнинг фикрига кўра, агар бутун ер шарни бўйича илмий техника даражаси илгор мамлакатларникига тенглашса, ҳозирнинг ўзидека мажмуи аҳолидан саккиз-ўн баробар кўп одами боқиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганимизда, тараққиётнинг занжирсимон пиллаялариди, инсон фаровонлигини оширувчи қўлдан-қўп ихтиролар ўз қашшофини кутиб турибди. Демак «келажак авлодимиз очликдан қирилади», деган ваҳима муллоқа асоссиздир.

Жуманазар БЕКНАЗАР,
Алижон ЗОҲИДИЙ

ЮНОН ВАХОДИРЛАРИНИНГ СИРИ

қадимий Юнонистонда янги туғилган чақалоқни ташқи муҳитнинг таъсирида, табиатнинг бутун шифқатсизлиги билан юзма юз қолдиришган. Яшагга лаёқатли, соғлом гўдақлар табиийки, яшаб қолмаган, майиб-мажруҳ ва нотавонлари эса ҳар хил таъсирловчи омилларга бардош беролмай узлатга юз тутишган. Яшаб қолган соғлом гўдақлар ҳам вояга етиш жараенида такрор ва такрор синовдан ўтказилган, атак-чеҳак бўлган маҳалларида гор ва жарликларда бир неча қунаб оқ қолдиришган. Юнонлар ана шундай услублар востасида зуррети тоза, насли бекусур, жаҳонга машҳур юнон ваҳодирлари ва сулувларини вояга етказишган.

Бир қарашда онгсиз, стихияли равишда кечаетгандек туюлган табиатни сиңчилаб ўргансан, у албатта бир қонуннинг асосида, маълум бир ўзанда оқаетганининг гувоҳи бўламиз. Жумладан, Дарвиннинг табиий танланиш қонунига эътибор берайлик. Бун қонунга асосан табиатда ҳам яшагга энг лаёқатли соғлом индивидларгина ташқи муҳитнинг турли омиллариға қарши туриб яшаш ва авлод қолдиришга иқтидорли бўлади. Буларни инстинктинг — кўр-қўрона ҳис этган она махлуқлар носоғлом ва нотавон болаларига овқат беришмайди ва

ди.

Дарвиннинг табиий танланиш қонунини бевосита жамиятга, инсонлар жамиятига тадбиқ қилишга уринган социал дарвинистларнинг дунёқарашлари алоҳида диққатга сазовордир. Улар ҳозирги фалсафанинг жангари оқимларидан дарвинистларнинг фикрларига кўра тараққиётнинг турли қусурлари билан туғилган, еҳуд бедаво дардга мубтало бўлган, халдан ташқари оғир жароҳатланган, хаётнинг шафқатсиз таъйикларига, тақдир тақозосига кўника олмаган индивидлар ўз-ўзидан халокатга маҳкум. Бу хаёт ва мамотнинг азалий мувозанати бўлиб уни бузишга, табиат қонунларини оёқ ости қилишга ҳеч қимнинг ҳаққи йўқ. Уларнинг фикрларига, табобат ҳеч қандай фойдасиз, ва айни пайтда зарарли ҳунар бўлиб, майиб-мажруҳ, ирсий касалларнинг умрини узайтиради. Улардан ўзига ўхшаган насл қолиб, инсон популяциясини бузилишига олиб келади. Бу эса охири оқибатда, йиллар ўтиши билан инсон турини ер юзидан йўқолиб кетишига сабаб бўлади.

Инглиз буржуа иқтисодчиси Т. Мальтуснинг дунёқарашлари ҳам шакл ва мазмуни жиҳатиди юқоридагиларни эслатади. У «Аҳоли қонунятларидан тажрибалар»



икки юзта «Мерседес Бенс» автомашиналарини олдиқ. Ва алоҳида қорхона шифқатиди яшаш бошладик. Ундан ташқари мана яқинда ўзимизнинг илк қалдиригочлар бўлган «Мерседес-Бенс»лар Хоразмнинг Дружба шаҳридан олиб келтирилди. Бугунги кунда Жиззах, Тошлоқ, Термизда бўлинмаларимиз мажмуи бўлиб, уларнинг ҳар қайсисида 30 тадан «Камаз» автомашинаси бор.

— Ҳар бир автомашина қанча юк ташиш қувватига эга?

— Халқаро стандартга мувофиқ 24 тоннагача юк ташиши мумкин.

— Қадимда қарвонларимиз «Буюк ипак йўли» орқали дунёнинг барча мамлакатларига чиққан. Сизлар кўпроқ қайси давлатлар билан борди-келиди қилайсизлар?

— Биз асосан Европа мамлакатлари билан яқиндан алоқа ўрнатаймиз. Яъни Германия, Голландия, Австрия, Польша, Италия, Франция. Бундан ташқари, Туркия, Греция, Эрон давлатларига ҳам юк ташияймиз. Яқинда эса Араб Амирликларига юк олиб бориш ниятидамыз.

— МДХ давлатларида юзага келган жинойи гуруҳбозлик (мафия), «рөкет» кўпчилиқнинг тинқасини қуриттанди. Бу сизларнинг ишларингизга ҳалал бермаганими?

— Бизнинг энг қатта муаммоларимиздан бири шу бўлганди. Айниқса, Қозғистон худудидан шоферларимиз юрак ховучлаб ўтишарди. Хайрият, вазиат аста-секин яхшиланяпти.

— Чет эл шоферлари баъзида қурол ҳам олиб юришади, деб эшитганман. Бизда шоферлар юқоридаги иллатлардан қандай муҳофаза қилинади?

— Хавфли худудларнинг тегишли идораларига хатлар жуънатганмиз. Аммо бизда шоферларнинг қурол олиб юришига руҳсат берилмаган. Худода минг қатла шурқки, ишимиз, ниятимиз ҳолис бўлганлиги боис, ҳеч қандай фожиа еки фавқулода ҳодисанинг устидан чиққанмиз йўқ.

— Гайрат ака, сизларга шоферлар қанча йўл билан ишга олиниган? Демокчиликни, бу масъулиятни ишга ҳар қимни ҳам олавермасангизлар керак?.

— Албатта. Катта иш тажрибасига, қамиди 10 йиллик қатта малакага, эга бўлган, бирон марта судланмаган ҳайдовчиларни ишга олганмиз.

— Айтинг-чи, нега «Ўрта Осие»

бу эҳтиеларни тўла қондириш мақсадида эса яна 150 та автомашина олиш ниятимиз бор. Масалан, бу йил, июн, июл ойларида мамлакатимизга четдан 2 минг тонна шакар, 1,5 минг тонна гўшт олиб келдик. Айни қуналарда Қозғистондан 5 минг тонна унни Тожикистонга, Тожикистоннинг 4 минг тонна пахтасини Германияга ташиб бераймиз. Германиядан эса турли хил юкларни ўзимизга келтири-

— Ҳужжатлари аниқ тўлатилган бўлса, биз бюуртмачи ажратиб ўтирмаймиз. Хоҳ хусусий шўслардан бўлсин, хоҳ фирмалардан бўлсин барюртма олаверамиз.

— Автоаппиналарни таъмирлаш билан боғлиқ муаммоларингизни қандай ҳал қиласизлар?

ФАҚАТ ОЛИСНИ КЎЗЛОВЧИ СИРТЛОН



«Транс» тугросида гепард (сиртлон)нинг тасвири акс этган?

— Аввало, қорхонамизнинг инглизча номи эътибор беринг «Сентрал Эйш Транс». Агар бош ҳарфларни олесангиз, «СЭТ» ҳисқартма ҳосил бўлиб, бу инглизчасига мушук деганидир. Бизнинг сиртлон ҳам мушукимизлар туркумига қиради-да ахир... Рамзий маъносига келсак, бунда тезлик, чидамлилик, қўдратлилик акс этади. Машинидаги тугро еруелик таъсирида нур таратиб, узокдан аққол кўза ташланади. Шу сабабли хорижда ҳам бизнинг сиртлонга ишқибозлар кўп экан.

— Ўрта Осие давлатлари ичиди сизларга рақобат қила оладиган автоқорхона борми?

— Мақтанишга йўйманг-у, ҳозирги кунда собиқ Иттифок бўйича ҳам бизга рақобат қиладиган бунақа автоқорхона йўқ. Шу сабабли бошқа давлатларнинг ҳам юқини ташиб бераймиз.

— «Мерседес-Бенс» автомашиналари қайси жиҳатлари билан бизнинг автомашиналардан устун туради?

— Биринчидан, бу автомашиналар кўп юк олади. Қолаверса, чидамли, эксплуатацияси ҳам жуда енгил. Ичқарисида ҳайдовчи учун анча қулайликлар муҳайи.

Тошкент шаҳрининг чеккасига чиқа борган сайн шаҳар нуфузи, қиройи ҳам гўе қизлар йироқлашаётгандай туюлади. Маҳобати, осмонўпар уйлар тутаб, айдоқ даладар бошланади. Қутилмаганда эса олдингиздан қуч-у қудратга тўла бир сиртлон отилиб чиқадди. Ҳайратланаяйсизми? Тошкентда-й? Бу қанча сиртлон ўзи? Албатта биз буни рамзий маънода ифодалаяймиз. Аслида бу машҳур сиртлон «Ўрта Осие Транс» халқаро юкларни ташиш Тошкент автоқорхонасидир. Барчамизга маълумки, мамлакатимизнинг импорт ва экспортини асосан автомобиль ва темир йўл транспорт йўлга қўйиши мумкин. Шу сабабли биз автоқорхона директори Гайрат ака Тошбеков билан сўхбатда бўлиб, ўзимизни қизиқтираётган саволларга жавоб олдиқ.

— Гайрат ака, автоқорхонанинг дастлабки фаолияти ва иштиқоли ҳақида қисқача тўхталиб ўтсангиз?

— 1992 йилнинг февраль ойидан бошлаб Ташқи Иқтисодий Алоқалар Вазиригига қарашли «Ўзташқитранс» қошида «Ўрта Осие Транс» қўшма қорхонаси иш бошлади. Дастлаб 100 та «Камаз» автомашиналари билан халқимизнинг оғирини енгил қилишга бел боғладик. 1993 йил апрель ойида эса шартнома асосида Германиядан

миз. Шунингдек, Дружба шаҳрига эҳтиет қисмлар етказиб бераймиз.

— Демак, ҳайдовчиларингиз ҳам моддий жиҳатдан тўла манфаатдор, шундаймасми?

— Шоферларимизнинг ўртача ойлик маоши 1,5-3 минг атрофида. Хали ҳеч қайси бири нолиганини эшитмаганман. Шундай экан, моддий аҳволи яхши бўлса керак.

— Раҳмат, йўларнингиз бехатар бўлсин.

Алижон САФАРОВ



Суратларни Дилшод ХОРУНОВ олган

"КЎНГЛИМ БЎШАБ КЕТАДИ, НЕГАДИР..."

ЗИЕДУЛЛА МЎМИНОВ — Ўзбекистон Радиоси иқтисодият ва қишлоқ ҳаёти Бош муҳарририятда катта муҳаррир бўлиб ишлайди. Ушбу муҳарририятнинг яқинба кунги бериладиган "Хушнуд дамлар" эшиттириши бор. Бу дастурга Ўзбекистон ташқи иқтисодий ишлаб чиқариш бирлашмаси ва Арнасой туманидаги 14-ижара ширкатлар бирлашмаси ҳамийлик қилиб, энг яхши эшиттириш ва мақолалар учун конкурс эълон қилди. Конкурса бир қанча мукофотларнинг энг зўри Саудия Арабистонга Умра сафарига бепул йўланма эди. У Зиедуллажонга насиб этган экан.

- Аввало, зияратларингиз қабул бўлсин.
- Муроднинг ҳосил бўлсин.
- Албатта, биринчи савол қандай мақолалар билан бу конкурсда ғолиб чиқдингиз деган маънода бўлиши табиий...
- Зарафшон воҳасидан тайерланган "Қалби даре воҳа бу" ва "Табиат бешиги тебратган инсон" номли Чирчиқ ўрмон хўжалиги ходимлари ҳаёти, иш фаолияти ҳақидаги эшиттиришларим учун ғолиб деб топилди.
- Газетхонларимиз кўпроқ Арабистон ҳақидаги сафар таасуротлари билан қизиқишса керак. Сизларни қандай кутиб олишди? Шароит қандай экан? Неча киши бўлиб бордингиз?..
- Юз кишидан иборат биз — ўзбекистонликларни Ал-Ҳисом ширкатидан ишлайдиган тўрт ака-ука араблар-кутиб олишди, шариат яратиб беришди. Таърифлашга сўз ожиз. Бизгачаям у ерда ўзбекистонликларни яхши кутиб олишаркан.
- Нима сабабдан?..
- Бобомиз Имом Бухорий (Худо раҳмат қилган бўлсин) сабаб эканлар.
- Балки ширкатлар уларнинг мулозаматин билганини талаб қилар...

- Йўқ-йўқ. Уларнинг бизга ҳурматини кўпчилик жойларда, ҳаракатларида, муомаларида сездик. Масалан, орамизда ногирон, илми ҳаётимиз бор эдилар. Улардан бири шу одамни ногиронлар аравачасига ўтқазиб Умра шартларини бажаришга кўмак бериб чиқди.
- Фурсатдан фойдаланиб, Умра шартлари ҳақида сўзлаб берсангиз. Зеро, газетхонлар ҳам билишни хоҳлашади.
- Самолет Тошкентдан ҳавога кўтариладиган Умра сафари бошланган ҳисобланаркан. Шунинг учун Эҳром кийиб ҳамма жўр бўлиб "Лаббайка, Оллоҳумма лабайка" ни айтиб кетишаркан. У ерга боргач ватандошларимиз, асли Тошкентлик Муҳаммадулло Туркистоний, Хайрулло Муҳаммад бизга Умранинг шартларини бажаришда йўл-йўриг кўрсатишди. Унинг биринчи шарт бўлиши Қабатуллоҳнинг "Оллоху акбар" деб 7 марта айланиб чиқди. 2-шарти Сафо тоғи билан Марва тоғлари орасида етти марта бориб келиш керак экан. 3 мартаба бордик, 4 марта қайтдик. Умранинг охириги 3-шарти соч олдириш ҳисобланади. Эраклар ҳаммасини олдирадилар...
- Кечирасиз, сочингиз олдирилмаган-ку?..
- Бир бўгидан олдира ҳам бўларкан. Хотинлар сочини тўртдан бирига қайчи урдиришаркан. "Сочинг ҳар бир толасига юзта савоб бағишлайман", деган Оллоҳнинг каломи бор.
- Шунча одам учун сартаронга навбат бўлиб кетмайдими?
- Унчалик эмас, сартаронлар ҳар бир кишига бир дақиқадан ҳам камроқ вақт сарфлайдилар. Соч олиб бўлингач, Зам-зам суви оқиб турган жўмаклардан сув олиб тўйғунча ичиш, юз-қўлини ювиш керак. Зам-зам суви инсонни сувсизликдан, очликдан, касаллик-

дан фориғ қиларкан. Кейин идишларга ҳар ким хоҳлаганича сув олиб кетиши мумкин.

- Уэр, яна бир савол. Қабатуллоҳнинг айланаётиб, ҳамма йнглаб экан. Сабаби нимада деб ўйлайсиз?
- Узимни унча-мунчага йнгламайдиган тошбағирман деб юрардим. Лекин у ерда кўнглим бўшаб кетди, негадир... Ҳамма йнглай-йнглай шартни адо этди. Сабабини тўла маънода тушуна олмадим.
- Демак, Умра шартларини бажариш Маккан Мукаррамада бўлиб ўтди. Бунинг учун қанча вақт сарф бўлади?
- Маккада тўрт кун бўлди, лекин Умранинг шартларини 2-3 соатда бажарса бўларкан. Кейин Мадинада 7 кун ўтказдик. Машхур Набавия масжидида бомдод намозини ўқиб, Расулуллоҳ (САВ) нинг қадрларини зиярат қилдик. Кўк гўмбаз тағидида бу қадрга салом бериб борилади. Икки ракаат намоз ўқилади. Бошқа зияратхоналарда ҳам бўлди. Масалан Сайид Амир Ҳамзанинг, 73 шахиднинг қадрларини зиярат қилдик. Ҳуд тоғини кўрдик... Ҳаммамиз жам бўлиб масжиди Кубога, яъни Расулуллоҳнинг биринчи масжидларида бордик. Йўлда масжиди Жумъани ҳам кўрдик. Бу масжидда Расулуллоҳ иштирокида биринчи бор жума намози ўқилган.
- Журналист сифатида у ерда зыбратларингизни тортта хижратда?
- Жуда кўп... Аввало у ердаги тозалик, поклик... Тасаввур қилинг — атроф, чўл-биёбон, лекин жаннат тасвирлангандайдек, Қабатуллоҳдаги 3 қаватли масжид, болакайларнинг ўқиши... Жума куллари Вайтул ҳарамда ўғирлик қилганларнинг қўллари кесиларкан, номуства теккалар қамок ва оғир зино иши қилганлар бошидан жудо қилинар, ароқ ичганлар қамоққа солинар ёки 50-100 дарагача урилар экан. Одоб-ахлоқ юқори даражада...
- Кўнглингизга келмаса бир ноки савол. Кўпчилик Умрага борувчиларни бирор тижорат билан шугулланади, дейишади. Сиз ҳам тижорат қилдингизми?
- "Бараканинг бир учи — тижоратдадур" маъносидаги ҳадиси шариф бор. Энди менинг асосий мақсадим Умра шартларини бажар-



дан зиярат қилиш эди. Унта пичоқ олиб боргандим, совға учун.

- Энди барибир бозорларни кўриб, кузатиб келдингиз...
- Бирга борган ҳамюртларимиз атласдан тортиб, асал, майиз, курт ҳатто кайригача олиб боришди. Бизнинг қора майиз билан тоза асал бозорбор неъмат ҳисобланаркан.
- Уларда нарх-наво қандай? Бизникилар қандай моллардан олиб келишди?
- Нарх-наво баланд. Кўпчилик араб оқ рўмоллари, оқ дўпчиалар, электрон соатлар харид қилишди.
- Аэропорда олган нарсаларингиз учун солиқ олишдими?
- Ҳамма жойдагидек, 20 кг дан ошигича пул олишади. Бир килограмм ортиқча юк учун 5 рўел (қарийб икки доллар) ҳақ тўлайсиз. Мен зам-зам сувидан 15 литр олгандим (оғайнилар кўп ахир), кейин билсам, Зам-зам суви учун пул олишмас экан.
- Сўзбатингиз учун раҳмат. Умрангиз қабул бўлган бўлсин.
- Айтганингиз келсин, худойим барча юрдошларимизни ҳам шундай сафарга етказсин.

Ҳ. ОМОН ўғли сўзбатилади

АЁЛ-ОСТОНА

Дона халқимиз турмуш тарбияларига таяниб, қиз боланинг бахти кўпроқ онанинг тарбиясига боғлиқ эканини уқтиради. Албатта, қизни бахт йўлига даставвал она етаклайди. Аммо баъзи оналаримизда кунт, сабр-чидам еки ҳаётий тажриба етмаслиги сабабли айрим қизлар ношуд, баъзан эса енгилтак бўлиб қолади.

Шарқ халқларига хос бўлган одоблиликни ота-боболаримиз қадимдан қадрлаб келишган. Лекин кейинги пайтларда миллий анъаналаримиздан узоклашганимиз туфайли шундай салбий ҳолатларнинг гувоҳи бўляймиз: юпқа кўйлақларда ички кийимлари кўринишидан уялмай, оғизларидаги сақичлари билан бир-бирларига гап бермай, юз-кўзларига бир нарсалар чаплаган айрим жувонлар, қизларнинг хатти-ҳаракатларидан ека ушлаймиз...

Бундай салбий ҳолатларнинг сабаблари, бизнингча, оилада қизлар тарбиясига эътиборсизлик, кун тартибига риоя қилмаслик еки унинг умуман йўқлиги, қизлар тарбияси учун энг масъул ҳисобланган оналарнинг иш билан бандлиги, ортиқча расм-русумлардан ортмаслиги, мактабларда ҳам интизомнинг сусайганлигидир. Натигада қизлар дарсларни ташлаб, мактабдан қочиб, "Ҳи орти ешга етмаганлар кўйилмайди" деб езилган, оловга ег сепгандай езувларга қизиқиб, гуруҳ-гуруҳ бўлиб сеансларга киришади. Видеосалон-

ларда мунтазам кўйилаётган каратэ, ўғирлик, муштлашиш, ахлоқий бузуқликларни тарғиб қилувчи фильмлар, кечурунлари оила даврасида кўйилладиган баъзи кўрсатувларнинг миллий тарбиямига зидлиги асосий томошабин ҳисобланувчи ўсиур йиғитлар, қизларнинг ондига, маънавиятига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Салбий ҳолатларнинг асосий сабабларидан яна бири қиз ўсаётган хонадондаги ота-оналарнинг кўполлиги, жанжал-кашлиги, умуман, оилавий муҳитнинг емонлигидир. Бундай оғир муҳитда ўсган қизлар келгуси ҳаётларида ҳам аҳил оила кура омайдилар. Бундайларнинг оилавий ҳаётида кўпичча номтаъқул ҳоллар кузатилади.

Ота-оналар, оиладаги катта кишилар болалар олдига бўлар бўлмас гапларни, беҳаларча сўзларни сўзламасликлари, ноҳужа қилиқлардан ўзларини тийишлари, синчков болалари ўзларидан намуна олаётганликларини унутмасликлари керак.

Фарзанд тарбиясига, хусусан, қиз бола тарбиясига алоҳида эътибор бериш, ешиллик-даноқэрта туршига одатлантириш, бичиш-тиқиш, уй тутуш, пазандлик, меҳмон қутуш, дастурхон тузатиш сингари одатларни эришмай ўргатиш унинг

келгуси ҳаётида бахтли қолмаслиги, ҳар бир ишни ота-оналари билан б а м а с л а ҳ а т қилиши талаб қилинган. "Қиз боланинг ор-номуси-етти авлоднинг ор-номуси" деб бежиз айтилмаган.

Баъзан қизлик уйга келган со-вчилар еки қизнинг ўқиши-иши жойига борган воситачилар қизларнинг муомаласидан камчилик топиб, ҳафсалалари пир бўлиб, қайтиб кет-таётганликларини кузатади. Айрим қизларимиз ўқиш ва меҳнат жойида енгилтаклик билан бўлар-бўлмасга хандон ташлаб қулиб, ишқий хангома-ларни баланд овозда дастурхон қилишади, атрофдагиларни масхаралаб қулиб, кўз остига олганларнинг назаридан тушадилар, бахт эшикларини епадилар.

Эрта бир кун қиз бола ўсиб бир оилага келин бўлади. Янги оилада палак отиши учун унда етарли тарбия бўлиши керак. Бунинг учун эса болаликдан оқ меҳнатсеварликка, одобга, хушмуомалаликка ўргатиш, уни тур-



мушга пухта тайерлаш зарур.

Айтишларича, эрак оила естун, аёл эса остона. Остона пок-иза бўлса, естун бахават бўлади. Оила жамиятнинг хўжайраси, яъни катта давлатнинг кичик шақлидир. Шунинг учун ҳам 1994 йилни бутун дуне миқёсидаги "Оила йили" деб эътироф этилиши оилани мукамал қилиш учун инсоният эътиборини торттиш мақсадидадир.

Демак, ҳаётнинг давомийлигини сақловчи қизларнинг пок-лиги, хулқий гўзаллиги ва ақ-идроқли бўлиши келажакага за-миндир.

Маҳбуба СОБИРОВА

**Фойдали
маслаҳатлар**

ДОҒЛАРНИ ҚАНДАЙ КЕТКИЗСА БЎЛАДИ?

Чиройли либос кўркингизга кўрк қўшади. Борди-ю ана шу либосингизга доғ тегса, унинг чиройига пугур етади. Хўш, доғ қандай кеткизилади. Аввало, ҳар бир сариштали уй бекаси (болалардан яшириб) бир шиша новшадил спирт, бензин, хлор эритмаси олиб қўяди.

ЁҒ ДОҒЛАРИ

Кийимингизга ёғ томган бўлса, доғ устига дока еки шимувчи қороз қўйиб, устидан дазмолни енгилгина икки-уч бор юрғизасиз. Агар бу усулда ҳам кетмаса, қаттиқроқ бўз матони бензинга ҳўллаб ёғ теккан жой артиради. Шуни ҳам унутмаслик кераки, ҳар қандай ёғ доғи янгилигида «Новост» кир содаси ва кир совун билан иссиқ сувда

ювилса, кетади. Борди-ю, доғ эскириб қолган бўлса, новшадил спирти (бир стакан сувга бир қошиқ солинади) аралашмасига ўша доғ ернинг ўзи беш соатча ивителиб, сўнг иссиқ сув билан ювилади.

КРАСКА, СИЁҒ ДОҒЛАРИ

Снеҳ тегиб бўлган доғ, ўша теккан жой илик судда 5-10 дақиқа ивителиб, сўнг илик сувда ювиб ташланади. Ёки перекис водороднинг сувдаги аралашмасига бир соатча ивителиб, сўнгра чайилади. Краска доғларининг бензин, ацетон, уккус эссенцияси билан артса тез кетади.

МЕВА ДОҒЛАРИ

Рангли матодаги мева доғларини, глице-

рин билан хом тухум аралашмаси (бир қошиқ глицерин бир тухум сариғи) доғ устига суртилади. Бир-икки соатдан сўнг совун билан илик сувда ювилади. Янги теккан мева доғини ўша заҳотиёқ доғ жойига қайноқ сув қўйилади.

Қон доғларини 1-2 соат совуқ сувга солиб сўнгра илик сувда озрок уккус қўшиб ювилади. Ёки бўямаса жавел суви (хлорли эритма) билан доғ ернинг ўзи илик сувда ювиб, чайиб олинади.

ЙОД ДОҒИ

Шерст, шойи, пахта кийимларидаги йод доғи ацетон ёки кракмалга ҳўлланган пахта билан артсангиз кетади.



ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Хурматли Шоназар Яхшибой ўғли!



Сизни табаррук кун — тутилган кунингиз билан чин дилдан табриклаймиз. Бахтимизга доимо соғ-саломат юринг. Ишларингизга омад тилаб турмуш ўртоғингиз Улмо, кизингиз Дилнавоз, ўғилларингиз Улугбек, Боллибек.

Укагинам АЛИШЕР!

Сени 18-декабрь — 20 ешга тўлишинг билан табриклайман. Илойим, сени ҳамиша йнгит пирлари қўлласин. Сенга соғлиқ, тўқис бахт ва Оллоҳдан паноҳ тилаб юргучи аканг АЛИЖОН, Бахмал тумани.



Ширинтойимиз ХУШ-НУДЖОННИ яқинда 1 ешга тўлиши ва илк пой қадамлари билан дилдан табриклаймиз. Алпомилдай ўғлон бўлиб етишсин АДАНГ ШЕРЗОД, Ургут тумани, тоғанг АБДУВАЛИ, АНВАР ва БОБУР Қўшработ тумани.

Онажон сиз борсиз қадамим мардона, Сиз борсиз тилмада шукрона. Шодлигингиз чеғара билмасин, Сиз азиз буюк Сиз она! Қадрли волидаи муҳтарамамиз Махсума ШУКРУЛЛАЕВА! Муборак таваллуд айёмингиз кутлуг бўлсин. Келажакда неки орзу қилсан бўлсангиз ҳаммасига етишинг.

Илоҳим, ҳар бир қадамингизда падари бузрукворимизнинг рухлари ер, Оллоҳ мадждор бўлсин. Ҳамиша ҳаётингиз мунаввар, юзингиз ёруғ, фарзандларингизни роҳат-фароғатини кўринг. Сизга яна кўп яхши тилаклар тилаб ва барча Шахрисабзлик юртдошларимизни кириб келадиган Янги йил байрами билан кутлаймиз.

Оила аъзоларимиз номидан ўтлингиз Сирожиддин ҒУЛОМОВ ТАДИ IV-курс толиби.

Хурматли укам Арабжон МАНСУРОВ! 13-декабрь тутилган кунингиз билан табриклаймиз, деб опаларингиз, Саодат, ўғай, Чиноз тумани, Алишер НАВОЙИ жамоа ҳўжалиги.

**ОИЛА
25 ЁШДА**

Тошкент вилоятидан турмушга чиқмаган, одам қадрини, рухиятини тушунган, меҳроқибатли, нозик таъб ижодкор қиз. Ўзига бир умр суянчиқ, меҳрибон, ишончли дўст, ҳаёт йўлида умрбод ҳамдарду ҳамроҳ излайди. Зиёли, Тошкент шаҳрида уй-жойи бўлган, моддий, тўқис, 26-31 ешдаги камтарин ва олийжаноб, замонавий ва маънан кучли, самимийликини қадрлаган, ҳар жиҳатдан мустақил, оқил, гўзаллик ва нафосатни англолган оқ кўнглин инсон билан танишиш ниятида «Оила-386» сурат ва мактубларни кутади

60 ЁШДА

Тошкент вилоятининг, Бўка туманида ўз шахсий катта бог ҳовлимда елғиз ўзим яшайман. Фарзандларим уйли-жойли бўлиб кетишган. Ҳозирги пайтда қарилык нафақасиданман. Яшаш учун ҳамма шароит етарли. Ҳеч нарсадан зорим йўқ. Фақат елғизлик қийнайди. Ёши ўзимга монанд, ақлли-хушли боласи бўлса ҳам майли (1-2 нафар) аёл билан қолган умримни тинч-осуда ўтказмоқчиман «Оила-387».

ИЗОҲ:

«Танишув» эълоннинг баҳоси 15 сўм, шунингдек, Табриқ, Ўзаро савдо эълонлари куйидаги баҳода белгиланган: бир босма белгининг (харф, тиниш белгиси) баҳоси 10 тийин. Табриқ сурати билан берилса битар, суратининг баҳоси 15 сўм. 10 кун мухлат ичнда бериладиган эълонлар икки баравар қиммат.

ФЕВРАЛДА

АДАШДИ

Тутилган ўғил чакалоқ қайси отани хурсанд қилмайди, дейсиз. Уфалик бир отанининг 3 қизидан сўнг... туғруқхона ҳамширалари отага ўғил кўрганини айтишди. Шодон ота шу кунёқ дўстларини ресторанга таклиф қилди. Байрам бўлди... Эр-талаб хотинига гул ва совғалар билан бирга ўғилларининг номини Артём қўйишлари ёзилган хатини киритди. Хотини эса жавоб хатида тўртинчи қизларига Регина деб ном қўйишларини ёзиб чиқарди... Аниқланишча, шу кунги бир исм ва фамилияли икки аёл туғруқхонага тушган, уларнинг бири ўғил, қаҳрамонимизнинг хотини эса яна қиз туққан экан.

**ДИРЕКТОРНИНГ
МАОШИ**

Россияда илк бора давлат ҳамда давлатга қарашли акционерлик жамияти корхоналари бош раҳбарларининг ойлик маоши ҳисоблаб чиқилди. Айрим корхоналарда раҳбарларнинг маоши оддий ишчиларнинг ўртача иш ҳақидан 10-16 баробар кўплиги аниқланди. Дейлик электрэнергетика соҳасида бош раҳбар 2,6 миллион рубл (750 доллар) иш ҳақи олса, ўртача маош 473 минг 400 рубл, яъни директорларнинг маошидан 5-6 баробар кам. Алюка соҳасида корхона раҳбари 1 млн. 966 минг рубл олса, ўртача маош 305 минг рубл экан. Металлургия соҳасидаям шундай. Хуллас, Воронеж вилоятида бунинг олди олинадиган махсус қарор чиқарилиб, корхона директорининг маоши ўртача иш ҳақидан 3 баравардан ошмаслиги белгилаб қўйилди.

**СПИДГА ҚАРШИ
ЭМЛАШ**

Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкilotи томонидан ишлаб чиқилган СПИДга қарши эмлаш келуси йил январ ойидан одамда синаб қўрилади. Шимпандзегга қўлланган бу тажриба перепаратлари яхши натижалар берганлигидан сўнг шундай хулосага келинди.

ТУРКИЯДА ЭСА...

СПИД атом урушидан ҳам даҳшатли деб тан олинди. «XX аср вабоси»нинг Туркияда кўпайиб кетаётганлиги боис, унга қарши шахсан президент Сулаймон Демирел ва Диний ишлар бошқармаси кураш бошлашди. С. Демирел «СПИДга қарши кураш жамияти» йиғилишида қатнашиб, дунёга тарқалаётган бу дард атом урушидан ҳам хавфли эканлигини таъкидлади. «СПИД Туркияни ҳам четлаб ўтмаслиги мумкин эмас, чет элда яшаётган ҳамюртларимиз, сайёҳлар уни давлат ичкарисига олиб кириштилар. Энди эса СПИДнинг қандай пайдо бўлганлигини аниқлашга вақт йўқ. Дарҳол унга қарши кескин курашни лозим. Курашни эса гўдакликданоқ бошлаш керак. Бу ота-оналар, давлат ҳамда олимларнинг вазифасидир», — деди президент ўз нутқида.

**ЭР ХОТИНДАН
ШУБҲАЛАНГАНДА**

Ҳиндистоннинг Викаси Пури шаҳридан 30 ёшли аёл ўз эрини заҳарлашга айбонлаб полиция томонидан ҳибсга олинди. Жабрланувчи эр — Кришан Гупалнинг айтишича, унинг хотини Нилем бoshка эрак билан алоқада бўлганлиги учун уни ўлдирishi истаб қолган. Полиция бу айбоннинг нақадар ҳақиқатга яқинлигини аниқлашга ҳаракат қилляпти.

**Хорижий матбуот хабарлари
асосида тайёрланди**

ОНАЖОН!

Сизнинг бир арзимас юмушингизни адо этолмаган, Сизнинг бир ишорангизга «юз умбалоқ ошиб кетмаган» болаларингиз Сизни ушбу кутлуг кун, муборак ийди таваллудингиз билан кутлайди.

Камоли эҳтиром ила фарзандларингиз Темур, Эркин, Беркин, Тулнора, Гулноза ва Улугбек Исломовлар.

Азиз ва меҳрибон волидаи муҳтарамамиз Обидохон АҲМАДУЛОВА!

Сизни, муборак таваллуд топган кунингиз билан самимий кутлаймиз. Ҳамиша бахтимизга соғ-саломат бўлинг. Илоҳи, онлами осмонда еркин юлдуздек порлаб, неварачеваралар қуршовида мўстабар онахон бўлиб юринг.

Неварангиз Аскарбек, ўғилларингиз ва келинларингиз.

Ҳамкасбимиз, ҳамда дўстимиз Эркинжон МАВЛОНОВ!

Сизни 18-декабрь тутилган кунингиз билан табриклаймиз. Сизга узок-умр, тан-сихатлик ва бахт тилаб, ҳаётингиз ширин ва осуда кечсин дегимиз. Сизга бир дунё эғу тилаклар тилаб АЛИЖОН, ЛАЙЛО УМИДА

Омон ака Мусаев. 57 ёшда. 1960 йил Тошкент жисмоний тарбия олийгоҳини тамомлаган. Дастлаб Бухоро шаҳар футбол мактабида директор, кейин Ўзбекистон футбол Федерациясида масъул котиб бўлган. 1972 йилдан бошлаб «Спартак» (Тошкент) хоккей командаси бошлиғи бўлиб ишлади. Ҳозирги вақтда Тошкент чинни заводи оромгоҳи (илгариги «Бинокор» спорт базаси)да ишлайди. Олти фарзанднинг отаси ва ўн беш неваранинг бобоси. Жуда хушчакчак инсон. Кофе ичиб спорт газеталарини ўқиб ўтиришни жуда хуш кўради.

— Омон ака, суҳбатимизни «Бинокор» хоккей командасининг қандай ташкил қилинганидан бошласан?

— Тошкент шаҳрида 1970 йил Халқаро миқёсидаги «Юбилейный» (ҳозирги «Алпомиш») спорт саройи қурилди. Бу асосан қишки ўйинларга мослаштирилган эди. 1971 йил қиш фаслида бу спорт саройида биринчи марта «Ташкентский лед — 1971» («Тошкент музи — 1971») турнири ўтказилди. Бу турнирда собиқ СССРнинг энг кучли командалари иштирок этганди. Турнирдан сўнг Ўзбекистонда ҳам қишки ўйинларни ривожлантириш мақсадида ЎзМК қарори билан шу йили «Юбилейный» спорт саройи қошида фигурали учуш ўйини ва «Спартак» хоккей командаси ташкил қилинди. Бу команда собиқ СССР биринчилигининг 2-лигасида қатнаша бошлади.

— Командага «Бинокор» номи қачон берилди?

— Командани сақлаб қолиш учун у 1973 йили «Тлаватшкентстрой» қурилиш ташкилотига ўтказилди, шундан бошлаб команда «Бинокор» номини олди.

— Командага ўйинчиларни йиғиш осон бўлмаган бўлса керак?

— Албатта, Ўзбекистонда мураббийлар, ўйинчилар йўқ эди. Ўйинчилар асосан Россиянинг Москва, Новосибирск, Свердловск, Подолск шаҳарларидан тақлиф қилинди. Командага Андрианов (илгари «Локомотив» Москвада ўйнаган) мураббийлик қила бошлади. Андриановнинг тинимсиз меҳнати натижасида Ўзбекистонда ҳам кучли бир хоккей командаси ташкил топди.

— Миллий ўйинчиларга ҳам эътибор беришдими?

— Хоккей командаси ташкил қилинган бир вақтда хоккей мактаби ҳам ташкил қилинди. Унга асосан истеъдодли еш ўзбек болалари қабул қилинганди. Мактабга Борисов Федор Василевич мураббийлик қила бошлади.

— «Бинокор» СССР чемпионатида

рида қатнашиб ўзбек хоккейини оламга танитганди. Команда 1979 йил чемпионати ни бешинчи ўрин билан, 1980 йил еттинчи ўрин билан яқунлади. Кейин яна кетма-кет мағлубиятлар, ҳуллас команда 1983 йили яна иккинчи лигага тушиб кетди.

— Бунинг сабаби нимада эди?

— Бунинг сабаби биринчи навбатда, командага келиб-кетувчи ўйинчилар кўп эди, миллий ўйинчиларимиз хали тайёр

қолгандан сўнг командага Владимир Пого-релский мураббийлик қила бошлади. Жуда кўп ўйинчиларга жавоб берилди. Ўша йиллари хоккей мактабининг истеъдодли саккиз ўзбек йигитлари командага қабул қилинди. Уларнинг унчалик маҳорати бўлмаса-да, аста-секин ўйинлар давомида маҳоратини ошира бошлади. 1986 йилга келиб команда буткул миллий бир коман-дага айланди. У. Қодиров, И. Алимҳаммедов, Б. Дўстмухаммедов, А. Ибрагимов, С. Олимхўжаев энг еш ва иқтидорли ўйинчиларимиз эди. Улар асосан 1968-70 йилларда туғилган.

— Нима учун команда тарқатилиб юборилди?

— Командамизнинг ўйини кундан-кунга яхшиланаётган эди, лекин кимларгадир миллий хоккей командамиз екмидими... унга эътибор сусайиб кетди. Иқтисодий жиҳатдан ҳам қийнала бошлади ва 1988 йилга келиб команда бутунлай тарқатиб юборилди.

— Хоккейчиларнинг тақдирини нима бўлди?

— Уларнинг кейинги тақдирини... жуда кўп сарсон бўлишди. Кўплари Россия командаларига кетишди. Қолганлари эса бошқа соҳаларга ўтиб кетди. Мен коман-дадаги ўзбек йигитларига хали-хали ачинаман. Улар орасидан машҳур хоккейчилар чиқиши мумкин эди. Афсус...

— Бугунги кунда хоккейни яна қайтадан тикласа бўлармикан?

— Албатта, тикласа бўлади. Фақат ҳам-масини бошдан бошлаш лозим. Яна четдан мураббийлар, ўйинчилар тақлиф қилиш керак. Бугунги кунда «Алпомиш» спорт саройи, спорт саройи эмас, менимча маданият саройига айланиб бораётгандай. Мен хоккей командасини қачонлардир яна ташкил топшига ишонаман. Мана мустақил давлат бўлди. Президентимиз спортга жуда катта эътибор бермоқда. Спортчиларимиз Японияда бўлган XII Осиё ўйинларида яхши қатнашиб Осиё бўйича бешинчи ўринни, футболчиларимиз эса шарафли биринчи ўринни эгаллаб, халқимизнинг ишончини оқлади. Агар яна хоккей коман-даси тузилса, у ҳам Ўзбекистоннинг номини, улуғворлигини бутун дунёга танитар-ди...

Равшан МАҲМУДОВ суҳбатлашди

«ВИНОКОР» ХОККЕЙ КОМАНДАСИ ЯНА ТИКЛАНАДИМИ?



О. Мусаев ўтираганлар қаторида чапдан тўртинчи.

қандай қатнашган?

— Командага спорт устаси Виктор Столяров мураббий бўлиб келгач, у янги кучли ўйинчиларни тақлиф қилди. Команданинг асосий мақсади биринчи лигага чиқиш эди. У бунинг уддасидан чиқди, команда икки йил ичида СССР биринчилигининг биринчи лигасига йўлланма олди. Бу 1976-77 йиллар эди. 1977 йили яна мураббий ўзгарган бўлсада биринчи лигада ҳам ўз мавқеини эгаллаб, кучли командага айлан-ди. 1977-78 йиллар «Бинокор» чемпионатда тўртинчи ўринни эгаллади. Шунда олий лигага чиқишимизга бир очко етмаган эди. 1978 йили «Бинокор» Чехославакияда ўтказилган «Золотой колос» халқаро турни-

эмасди, мураббийлар ҳам кўп ўзгарди. Бу эса команда ўйинига ўз таъсирини кўрсатди.

— Ўша пайтларда хоккей ишқибозлари ҳам кўп бўлган бўлса керак?

— Албатта, кўп эди. Айниқса, биринчи лигада ўйнаган пайтларимиз спорт саройи-да бўш жой қолмасди. Ҳатто, катталар ўртасида ҳам ешлар ўртасида ҳам хоккей «жиний»лари пайдо бўлган эди. Команда иккинчи лигага тушиб кетгандан сўнг то-мошабинлар ҳам аста-секин камаё борди.

— Миллий ўйинчилар командага тақлиф қилинмадими?

— «Бинокор» биринчи лигадан қуруқ

Жаҳон футбол хабарлари

БАЙРОҚЧА КЎТАРГАН БИРИНЧИ АЁЛ

Англия футболининг иккинчи дивизионда иштирок этётган «Торквей» — «Карпайл», командалари ўйинида кутылмаган воқеа юз берди. Англия футбол тарихида биринчи марта 31 ёшли аёл киши Уэнди Томс ўйинда ёрдамчи ҳакам вазифасини бажарди. «Менинг асосий мақсадим ФИФАнинг халқаро ўйинларини бошқариш», деб жавоб қайтарди у журналистларнинг берган саво-лига.

БОШ МУРАББИЙ ДАРВОЗАДА

Бўлиб, ўтган «Крыла Советов» — «Лала» ўйинида «Лала» коман-да дарвозасини команда бош мураббийси, собиқ дарвозабон Александр Балах қўриқлади. Бун-га сабаб, асосий дарвозабон Вик-тор Гаус қаттиқ жароҳат олганди. Заҳирадаги дарвозабон эса ўтган ўйинда сариқ карточка олгани учун икки ўйинда иштирок эт-маслиги керак эди. Яхшиямки 39 ёшли бош мураббий илгари дар-возабон бўлган экан, ақс ҳолда...

ФИФА РЕЙТИНГИ

ФИФА терма командалар ре-йтингини (очкосини) маълум қилди. Биринчи ўринни шак-шубҳасиз Бразилия командаси эгаллади.

1. Бразилия — 66, 15 очко
2. Италия — 62, 39
3. Швеция — 61, 90
4. Германия — 61, 25
5. Голландия — 60, 93

Россия терма командаси бу ре-йтингда 17 ўринни эгаллади. Улар ҳисобида 52, 04 очко бор.

ЕРДАМЧИ ҲАКАМГА — «КИЗИЛ КАРТОЧКА»

Африкада ҳакамларга ҳам қизил карточка берилар экан. Бу «Гатууду» — «Ритнми» коман-далари ўйинида юз берди. Бош ҳакам Петер Корак энди ўйин бошлагача хуштак чалмоқчи эди, шу пайт еш чизикдаги ердამчи ҳакам Чарлз Вахириани орқадаги футбол ишқибозлари билан гап-лашаётганини кўриб қолди ва унинг олдига чопиб бориб у сариқ карточка кўрсатди. Танаффус пайтида ҳам икки ҳакам ўртасида кўп тортишш бўлди. Иккинчи

таймининг биринчи минутида Ч. Вахирианинг яна бир хатоси учун бош ҳакам унга қизил карточка кўрсатди. Шундай қилиб бу ўйин 45 минут ердამчи ҳакамсиз ўтди.

SONY ГЕРАШЕНКОДА

«Ротор» («Волгоград» коман-дасининг ҳимоячиси ва сардори Владимир Герашенко энди SONY телевизорини кўрадиган бўлди. У телевизорни «Ротор» — «Напг» (Франция) командалари ўртасидаги ўйинда яхши ўйин кўрсатгани учун олди. Ҳа, айт-гандек Герашенко «Напг» дарво-засига биринчи тўғни йўллаган эди.

ЕВРО—2000 БЕЛЬГИЯ ВА ГОЛЛАНДИЯДА

Бельгия ва Голландия 2000-йилда бўладиган Европа бирин-чилигига биргаликда ўзининг номзодларини қўйиши учун рас-мий равишда УЕФА президенти Леннарт Юханссонга хат йўллади. Уларнинг мақсади Евро-па биринчилигининг очилиш қисмини Белгияда, финал қисмини эса Голландияда ўтказиш.

ПЕЛЕ ЯПОНИЯНИ ҚЎЛЛАЯПТИ

Япония ҳам 2002-йилда бўладиган Жаҳон чемпионати-га ўз номзодини қўйди ва ўз тарафи-га Пелени тортмоқда. «Мен рас-мий равишда Японияни қўлламан. Унинг жаҳон чемпи-онатини олишга имконияти етар-ли», демоқда Пеле.

Кеча Пеле Бразилия футбол юлдузлари таркибида Будапешт-га келди. У ерда Венгрия ветеран-лари билан ўйин бўлди. Бу ўйинда Пеленинг ўзи ҳам ишти-рок этди.

ЯНА МАРАДОНА ХУСУСИДА

Диего Марадона Аргентина футболининг олий лигасида ўйнаётган «Расинг» клубининг мураббийси бўлиши мумкин. Арг-ентина терма командасининг со-биқ капитани ўтган чоршанба ку-ни «Мандио» клуби президенти билан келишолмаганлиги сабаб клуб мураббийлигидан бўшади. «Расинг» клубининг бошлиғи Хуан Дестефано бу гапларни эшитиб, Марадонани ўз коман-дасига бош мураббий сифатида

қўришни ҳоҳлашини айтди. Ҳар-на, Диегонинг номиеқ, унинг тилга тушишига сабаб бўлишини Дестефано билса керак-да.

Р. МАҲМУДОВ тайерлади.

МУРАББИЙ ҲАКАМГА ЕТА ОЛМАДИ ЭХУД ЮГУРИШНИНГ ФОЙДАСИ

Спорт оламида энг кўп танқидга дучор бўладиган мута-хассислар шубҳасиз ҳакамлардир. Лекин бу касбининг яна бир жиҳати борки, аризмаган ҳакам эҳуд рақиблир асаби бўшлиғи оқибатида ҳакамлар қўрбон бўлиши ҳеч гап эмас. Футбол бўйича ўтказилган чемпионат-ларнинг бирида ваколати доира-сидан қувиб кетган ҳакамни му-раббийлар қувиб кетдилар. Бу қувлашмачюқ ўйини ҳакамга ан-ча қимматга тушиши мумкин эди. Лекин мураббий спортнинг югуриш турни билан шуғулламаганлиги маълум бўлиб қолди. У ҳакамга ета олма-ди.

Сабриддин МИРЗААҲМЕДОВ Спорт журналисти

МАҚТУБ

Хурмати тахририят! Газетинг аввалиги сонларидан бирода Хиндистондаги айрим ҳалқлар марҳуми қузғунларга едиришлари айбид, бу ҳақда ҳақиқатлини ниҳат қилгандингизлар. Газетинг ҳар бир сонини ўқиб бораем, лекин бу ҳақда негадир ёзмайсизлар.

Темир ИСЛОМОВ,
Жиззах шаҳри.

ТАХРИРИЯТДАН: Бу ҳақдаги мақолани тайёрлаб қўйгандик. Вақти-соати бугунга тўри келди. Темиржонга газетамизни шунчади эътибор билан ўқиб бораётганлари учун раҳмат, деймиз.

Қуйидаги мақола Америка фуқаролигини қабул қилган, келиб чиқини зодагон немисларга тақаладиган асли россиялик олим, саёхатчи, фалсафадаги янги оқим — теософия ("Тео" ва "София" сўзларидан) илохий донишмандлик асосчиси Елена Блаватскаянинг "Хиндистоннинг гор ва жангалзорларидан" номи китобидан парслар (Хиндистонда форслар шундай аталади) ҳаёти билан боғлиқ бўлган қисмини таржима қилдик. Е. Блаватская 1879 йилдан 1884 йилгача Хиндистонни кезиб чиқди. Барча удуи, маросим, фалсафасини ... ҳамма-ҳаммасини ўрганган ва китоб ёзди. Китобнинг ёзилганига 100 йилдан ошган бўлса-да, қимматини йўқотгани йўқ. Зеро бу удуи ҳали хануз давом этиб келяпти.

Бомбей шаҳрида Зардўшт ўғлонларининг сўнгги дароҳи — "Сукунат минораси" бўлиб, у Малябар тепалигининг чўққисида жойлашган.

"Сукунат минораси" парсларнинг қабристонини ҳисобланади. Бунда бой қашшоқ, нобоб ва арбоб, аёл, эркак, болаларни энма-ен қўйишди ва бир неча дақиқадан сўнг уларнинг ҳар бирини фақат скелет — суякларгина қолади, холос. Биринчи тўқнаш келган мусофир асрлар давомида ҳукм сураётган бу "Минора"даги сукунатдан аллақандай ноҳуш аҳволга тушади. Қарда шаре яшамасин ўша жойларда, айниқса, Сураат деган манзилда бундай иншоотларни кузатиши мумкин. Бомбейдаги олтинга шундай минораларнинг энг қаттиси бундан 250 йил (ҳозир 350 йил — таржимон) бурун қурилган, кейингисининг қад кўтарганига узоқ муддат ўтгани йўқ. Бу — айлана ва айрим ҳолларда тўрт бурчакли, эшиксиз қурилмаларнинг баландлиги 6 метрдан 12 метргача етади. Фақатгина қалин темирдан эшикча ясалган туйвук Шарқ томонга қаратилган бўлади. Бу даҳмага (минорани парслар шундай аташди) қўйиладиган биринчи жасад бегуноҳ гўдакнинг мурдаси ва у албатта хоҳинларнинг боласи бўлиши шарт. Тепаликдаги бор орасида қурилган маъжур минорага яқинлаштишга ҳеч қимнинг, ҳатто қаровчи ва даровулнинг ҳам ҳаққи йўқ. Улар 30 қадам узоқликда туришлари керак. "Сукунат минораси"га тириклар билан умуман гаплашмайдиган, қўл билан тегмайдиган, ҳатто одамларга яқинлашмайдиган (яъни, тирик одамлар билан тиллашсини қонуи таъқиқлаган) "нессесалар — тобут" кўтарувчиларгина кириб чиқадилар. Улар марҳумнинг бой ва камбағаллигиндан қатъий назар уни эски ва оқ матоларга ўраб олиб кирадилар. Марҳумни бутунлай ечинтириб, уч айлананинг бирита қўйилади-да, бирор сўз ҳам айтмай, ўша сукат билан ташқарига чиқишади. Минора тирикши кейинги марҳумгача епилади, қафан ва латталар шу захотиёқ эқиб юборилади.

Оташпарастларда ўлим микеси ўз ўламларини йўқотган ва ўлик уларда фақатгина жирканиш уютади. Атар беморнинг вақт соати яқинлашганини сезиб қолтиса,

уйдаги барча яқинлар руҳининг жасаддан ажралоштига ҳалақит бермаслик ва шунингдек тирикнинг мурдага тегиб кетиб ўзини булғамаслиги учун ундан йироқлашади. Биргина хоҳин ўлаётган кишининг қулониға пи-чирлаб "Авесто"нинг панд-насиҳатларидан "Ашем Воҳа" ва "Ято Ахувар"ни ўқиб, бемор хали жон таслим қилмай чиқиб кетади. Кейин итти олиб кириб, ўлаётган кишининг юзига мажбурлаб қаратишади. Бу удуи сас-дид (ит қараш) деб номланади. Жасадга жойлашиб олиш учун жон чиққини кутиб турган Друкс Насу (евуз жин-тирик мавжудот ора-

"минора"дан 40 қадамча нарида Н. Байранжининг айвонидан туриб барча удуиларини қўрдиқ. Унинг ўзи бу минорада кўп йилдан буен ҳизмат қилса-да ҳали бир марта ҳам у ерга кирмаган, ҳатто яқин бормаган экан. Итнинг марҳумага "қараш" маросими туғалунча бу яширин жирканиш билан даҳма узра учиб юрган калхатлар тўдасига қараб тургандик. Мурда ичкарига қўйилгач, калхатлар "минора"га учиб киришар ва тумпуқларида одам гўштининг қонталани парчасини олиб учиб чиқишарди... "Сукунат минораси"да уя қўйиб олган бу калхатлар атайлаб шўй маросим учун Форсиядан келтирилган экан.

ринчи доирада (60 см энликда) болалар қўйилади, ўртадагиси (1,20 метр энликда) аёллар, деворнинг енидаги учинчи (1,5 метр энликда) доирада эркаклар қўйилади. Ушбу учталиқ доира зардуштийликдаги асосий уч эзгу ишлар: "саховат, эқимли сўзлар ва покиза фикрлар"га хизмат қилади.

Оч калхатлар тўдаси сабаб бир соатга етмайдиган фурсатда суяклар гўштининг сўнгги заррачасигача тозаланади ва икки-уч ҳафта ичиде тропик иқлим суякларини шундай куридадики улар сал тегиб кетиш туғайли тупроқ — хокка айланади. Шундан сўнг уни қудуққа тушириб юборишади. Бунда на бир бадбўй

нит плиталар сувни тозаловчи кумтош ва кўмир билан қопланган.

ИЗОҲЛАР

1. Нессесалар — Бу бахтсиз одамларнинг аҳволоти бизнинг жаллодларимиздан-да аянчлироқ. Дунедан ажралиб яшаб, энг аянчлис ташқи дуне билан умуман мулоқотда бўлишмайди. Улар бозордан озқоғат сотиб олишмайди, чунки оғқатни ўзлари топиб сийшлари лозим. Улар шаҳар кўчаларида ўликларини олиб кетиш учунгина юридилар. Нессесалар бошқалардан беговаларча тугқлишади, уйланишади, жон таслим қилишади.

2. Худди шундай воқеаларнинг

Е. БЛАВАТСКАЯ

**ПАРСЛАРНИНГ СЎНГГИ
МАНЗИЛГОҲИ**



сида итнинг нигоҳидангина кўрқди. Бирок бундай пайтда ўлик билан ит орасида бирор кишининг сояси т у ш и б қолмаслиги керак, чунки соя итнинг нигоҳларидаги қ у в в а т н и йўқотади ва бундай имкониётдан фойдаланиб қолиши мумкин.

Парс қаерда ўлмасин, уни олиб кетгани қўллариде эски халталар кўтариб нессесалар келгунча ўша жойида қолаверади. Мурдани епик темир тобутга (ҳамма учун битта) солиб, даҳмага олиб боришади. Агар даҳмада олиб борилган тирик э к а н л и г и тақдирда ҳам (бу ҳол учраб туради) худонинг еруғлигини б о ш қ а кўрмайди. Нессесалар уни ўлдиришади. Кимки ўлик ҳисобланиб, "Минора"да бўлиб, жонсиз танадек булганса, унинг еруғ оламга қайтиши мумкин эмас. У бутун жамиятни булгайди. Ўлиқнинг қариндош уруелари то-бутигун орқасидан юришади, минорагача 30 қадам қолганда эса тўхташади. Тирикши олдиде нессесаларнинг хор бўлиб ва хоҳиннинг узоқдан турган ҳолатича дуоларни ўқишиб, ит билан булган удуи яна бир такрорланади. Бомбейда айнан шу маросим учун ўратилган итти "минора" тирикшининг олдиде боғловлик сақлашади. Кейин нессесалар тобутни ичкарига киритишиб, марҳумни чиқариб, жинси ва ешига қараб алоҳида ўринга қўйишади.

Биз икки марта "ўлиш" ва бир марта "дафн" маросимига қатнашдик. Бундай пайтда парслар диний маросимларда европаликнинг қатнашини ҳаром ҳисоблайдиган ҳиндлардан кўра марҳаматлироқ ҳисобланади.

Қандайдир бой хотинни дафн этишганда, танишимиз "минора" қаровчиси Н. Байранжи бизни ўз уйига таклиф этди. Шундай қилиб,

Хиндистондаги калхатлар эса эўрдуштийлик қонулирига мувофиқ теликда мурданнинг этини суқланд тозалай олишмас (яъни етарлича йирткич эмас) ва куесиз ҳисоблана-ркан. Айтишларича, суқдан этнинг тозаланиш жараёни бир неча дақиқага чўзилар экан...

Маросим туғалунча бизни бошқа бинога олиб боришди. Унда учча катта бўлмаган столнинг устиде даҳманинг (ички қурилмалари билан) еғочдан ясалган ажойиб моделле бор эди. Бу модел орқали биз "минора"да нима бўлганлигини энди бемалол кўз ўнгимиздан ўтказардик. Ер устиде қурилган тўрт бурчакли турган мўрсини та-саввур қилсангиз, бўш "минора"нинг қурилиши ҳақида тушу-нача эга бўласиз. Гранитдан ясалган супанинг ўртасидаги чукор сувсиз қудуқ тарновга ўхшаб қурилган темир панжара орасидан қорайиб кўринади.

Унинг атрофида деворга томон кетган нишабик бўлиб, қудуқни ўраб турган учталиқ ҳалқада учта доира ўйилган. Уларнинг ҳар бири-да тобутсимон жойлар бор. Бундай жойлар 365 та. Қудуқ бўйидаги би-

ҳид ва на вабонинг еки бошқа қўмули касалликларни тарқалишига йўл берилмайди. Бу услуб — жасадни еқиш натижаси-да ҳавода, кучсиз бўлса-да, беёқим ҳид қолади. Парслар "Она-замин"ни ўлакса билан боқмасдан, Арманти (замин)га буткул тозаланган хокит бериша-ди. Зардуштийликда заминга ни-сбатан ҳурмат шу даражада юқорик, одамларга "Ҳар бир дон учун юз баробар кўп дон" ҳақи қиладиган "Сигир-энага" булганмаслиги керак. Муссон дав-рида тўрт ойлаб еққан емгир кес-летлар енида калхатлар қолдирган барча ахлатларни ювиб қудуққа туширади. Ва сув тозаланиб (филтр-ланиб) ерга сўрилади. Бунинг учун қудуқ тубига қўйилган гра-

такрорланиб туришдан парслар ян-ги қонуи чиқарилиши лозимлиги ҳақида қайғуришади. Янги қонуи биринчиде, тирилганларнинг ти-риқлар оламга қайтиши, иккинчи-дан нессесалар "минора"нинг бир-дан-бир тирикшини қулфламай со-биқ ўлиқнинг қочиб қолишига им-кон яратиши керак эди. Ажабки, ўлиқнинг суякларини бир фурсатда тозалайдиган калхатлар, ҳали ўлиб улгурмаган вужудга тегишмайди ва қичқирганча четта учиб кетишади.

3. Арманти — ("Сигир-энага" (еки "Боқувчи сигир") Зардуштининг ўнгитича деҳқончилик энг олижаноб ва худого сеvimли машулотдир.

(Изоҳлар Блаватскаяники)

Х. САИДОВ таржимаси.

Панжара

ЎРТАНГАН КЎНГИЛ

Қизил Урда вилоятининг Яқкажурин туманида яшовчи, 1975 йилда тутилган Гулнора исми қиз поятахтининг Миробод тумани хо-додларидан бирита кириб чарм кур-тка, рўмол ва бошқа кийим-кечак-ларни ўтирлаб чиқиб кетаётганда қўлга тушди.

Дастлабки тергов ҳаракатлари-дан маълум бўлишгача, бу еш хоним боққиччилик жиноятни содир этиб, муқаддам сўдланган ҳам экан. Ўртанган кўнгил деб шунга айтсалар керак-да.

ЎРТАНСА ҚЎЙМАС

1953 йилда тутилган, ҳеч қаерда қўнум топпай юрган, ил-гарни гисҳавандлик воситаларининг сақлаганлиги учун Республика Жиноят мажмуининг 216-1 моддаси билан судланиб, жазо муддатини ўтаб чиққан тошкен-глик Ш. К. яна 82 грамм кўкнори билан қўлга олинди.

ЖАҲЛ ЧИҚҚАНДА...

Самарқанд Дарвоза кўчасида ўз хизмат вазифаларини ўтаётган ми-лиция ходимлари катта теликда бо-раётган "У 06-16 ТН" нумерли авто-машинани тўхтаиб ҳужжатларини сўрашганда, ҳайдовчи-1969 йилда тутилган, ҳеч қаерда ишламайдиган Ю. Ф. маст ҳолда булган учун ав-валикда кўпол муомалада бўлди. Кейин ҳақто ҳақорат қила бошлади, денг. Энди унинг жаҳли чиқиб "бироз қизингани" ва "чегарадан ош-гани"ни прокуратура ходимлари му-носиб баҳолашлари аниқ.

...АҚЛ КЕТАДИ

Оқини, ипсон экин-ку, ҳатто сиқошга ҳам сиқилти чечимлик қочириса, муш-қка бориб ўлағайлаши турган гап. Юсуфбек тумени хондодларидан би-рида ҳам икки ҳаминишнинг даҳанига жапига уйинг кўнур ароқ сабабчи бўлди. Ичиб бўлпатилган ароқ шипсис 1971 йил-да тутилган П. С.нинг мастликдан гаран-сирлаб турган бошга тегини оқибетида у оғир шикастланди ва касалхонада хушга келмай оламдан ўтди.

Ақл кетганга ароқ сабабчи эканлиги сир эмас. Аммо нима учун жаҳл чиққани тергов ишлари туғалганде сўнг ойлони-лаш қолади.

БУЗОҚНИНГ ЮГУРГАНИ...

Яқкасарой тумани Усмон Но-сир кўчасида жойлашган авто-гаражининг деворини бузиб, 20 литр бензин, бир канистр еғ ва яна 4 хил номдаги майда-чўйда нарсаларини ўғирлаган, ҳеч қаерда ўқмайдиغان 1979 йилда тутилган М. М. қочиниша улгур-май миллиция қўлига тушди.

...СОМОНХОНАГАЧА

Еки ашқорқ қилиб гўштингирмоқини бўлас, месисахонагача. Нимага дейси-ми? Марҳамат, эпитивинг.

Шаҳаринг Ҳамза туманида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган, 1962 йилда тутилган И. А.нинг фирибгабалка ун-гитан берманг шериклари кам эди. У чи-лозорлаб Б. А.дан 500 АҚШ доллари, Лиесунова кўчасида истиқомат қилувчи К. А.дан 700 сўм ва "Рекда" кезик корпо-ра-си директори С. З.дан автоматинига гисдирагани олиб қочиб юрганди. Мана, ҳозир унинг ўзи қандай қилиб миллиция қўлига тушиб қолгандадан ҳайрон бўлиб ўтирилади.

Фирибгарининг бу ҳайронлиги узоққа бормайди. У албатта суа ҳудуддан кейин унга келиши муқаррар.

Мирзаарҳим МАМАЖОНОВ,
Тошкент шаҳар Ички Ишлар Бош Бошқармаси Матбуот
хизмати ходими



Баҳромжоннинг таржимаи ҳоли ёзганларидек ихчам ва лўнда.

Битганлари ихчам бўлса ҳам, қуввати уч-тўртта ичакни бирлаштирадиган бемалол узади. Унинг бир "айби" — ўқувчини соғинтириб ёзади.

Ёз ойларида бир кўриндию, Олтиариқнинг "бодринг сезони"ни баҳона қилиб жўнаб кетди. Кўнғироқлашсақ, "ҳозир турп мавсуми" деди... Яқинда тахририятимизга семизроқ хат йўллабди. Очиб қарасақ, "янгилари". Дарров тегирмонга "ташлаб" юбордик. Бутун чиққанларини сизга илдиндик, азиз кулгисеварлар. Марҳамат!

ТЕГИРМОНЧИНИНГ ТОПИШМОҚЛАРИ

xxx

Чет элда сарфлаб юрасиз,

Бирига неччи берасиз?

/Доллар/

xxx

Тани қора, ичи қизил,

Баҳоси ростми, ҳазил?

/Калиш/

xxx

Йигирматаси бирга турар,

Қўлига тушсанг, худо урар.

/Сигарет/

xxx

— Хотиним билан айтишиб қолиб, бир адабини бериб кўяйин деб, унинг нос шшасини синдириб ташладим. Қадрдон кўшнимсан, ошна. Сендан бир ил-

ҳеч бўлмаганда "яримта"ни "олган олганники" қилворсанг ўласанми?

— Терим даврида ишлаган пулимдан ёнимда ёрдам бериб турган хотиним, келиним, иккита қизчам ўзларининг ҳақини ажра-

ТЕГИРМОНДАГИ ГАПЛАРДАН

тимосим бор, хотиним нос сўраб кирса, ярим чеким ҳам берма, Акс ҳолда, тарбиявий усулимни издан чиқариб юборасан.

тиб олган эди, менга рўмолчапули ҳам қолмади.

xxx

— Маҳалладаги оғзи катталар "сочинг оқарса ҳам ичаверасанми", дейишгандан кейин сочинми бўятиб юрадиган бўлдим-да, ука қани, қўлингни қалтиратмасдан, тўлатиброқ қўй-чи.

xxx

— Тош полвон, бу йил қўлда ўн тўққиз тонна пахта териб, газетларда суратинг чиқди, телевизордан гапиришди. Топган пулингдан

«КАСАПЛА»

ОМАД

Қайсар талабаларни еқтирмайдиган бир Бўри ярим кечада институт ётоқхонаси ёнига келиб, ризқини қидира бошлади. Бир маҳалда, ёш бўлишига қарамай профессорлардек соқол кўйиб олган олифта Эчки сигарет тутатиб ташқарига чиқиб қолди. Бўри уни оғзидан бўғиб туриб, қолига тикди. Кейин йигирма олтинчи троллейбуснинг охириги бекатигача бориб, Юнусободнинг тепароғидаги далада уни ейишга тайёрлади.

— Жон Бўри тоға, мени ҳозирча эмай туринг, — деб ялинишга тушди Эчки. — ҳеч бўлмаса, иккинчи курсга ўтиб олай, юрагимда армон қолмасин.

— Мени ҳеч нарсадан хабари йўқ шилдирлардан деб ўйлаясан шекилли, — деди Бўри. — Эртага ўқишларинг тугагани яхши биламан. Бир кун яшадинг нима-ю яшамадинг нима?

Шунда Эчки шумшайиб деди:

— Уч йилдан бери биринчи курсдан нарига ўтолмай келяпман, тақсир. Ким билади, яна қанча ўқийман...

ҚУДАЧИЛИК

Тўқсон тўққиз аждоди пишлоқ омборида яшаб, тўкин-сочин кун кечириб келган Сичқонбойнинг бошига фалокат ёғилди. Омборчи томонидан бош назоратчи қилиб қўйилган Мушук унинг қариндош-уруғларига кун бермай қўйди. Ўзи ҳам бир-икки марта зўрға жон сақлаб қолди. Унинг боши қотиб, нарироқдаги ғалла омборида яшовчи доно Бобосичқондан маслаҳат олгани борди.

— Бунинг йўлини топиш мумкин, — деди Бобосичқон. — Эшитишимча, ўша бош назоратчи Мушукнинг эр кўрмай ўтаётган бир қари қизи бор эмиш. Майли, ўғлинг анча ёш бўлса ҳам, уни шу қизга уйлантириб қўй. Шунда Мушукнинг ўзи ҳам сендан оргганини ейдиган бўлади.

Т Т Т ДЕВОРИДАГИ ЭЪЛОНЛАР

xxx

Яқинда сўйиб сотилган новосимнинг занжирини иккита винога алмаштиришга дадамдан фотиҳа олдим. Винони таклиф қилмоқчи бўлган одамлар бекорга олдимга келиб юришмасин.

Кайфиддин

xxx

Тўрт яшарлик ўғлим Пилдиқоққўжа олти ярим килолик тарвузни кўчага юмалантириб чиқиб кетганини кир ювиб ўтирган хотиним ўз кўзи билан кўрган. Орадан бир ярим минут ўтиб-ўтмай, Пилдиқоққўжа кўчадан иккита бармоғини бурнига тикиб қайтиб келган. Уч кишидан гумоним бор. Агар улар шимо қилинган тарвуз, е бўлмаса, бирорта тузукроқ қовунни яхшиликча дарвозадан берига ўтказиб кетшмаса, уегини ўзим биламан!

Шалдиқоққўжа

xxx

Ўзимнинг уйимда сичқонваччалар кўпайиб кетгани учун мушугим "Доро учанчи"ни кўшнларга арендага беришни вақтинча тўхтатиб тураман.

Ишбилармоний

ШАРҲШУНОСЛИК ТЎГАРАГИ

БОЛ — Болаларга Олдирвомаслик Лозим.

БОЙ — Бошқа Одамлардан Йўғувчи.

ДУСТ — Дунёда Ўзинг Сўппайиб Турма.

МАСТ — Мияси Айниган Субутсиз Тавариш.

ОҲ — Омадсизнинг ҳиссиёти.

ХАТ — Хотинсизнинг Арзини Ташувчи.

ФОЛ — Фуқарони Очиқ Лақиллатиш.

ҚЎЙ — Қассобни Ўйлагиси Йўқ.



Бош муҳаррир:

Абдуҳошим ИРИСБЎЙ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Қулман ОЧИЛ, Жуманазар БЕКНАЗАР,
Дадахон ЁҚУБОВ, Фарҳод РЎЗИЕВ,
Муҳаббат ИБОДОВА, Ҳалим САЙИД
(бош муҳаррир ўринбосари), Ботир
ЭРНАЗАР (масъул котиб)

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:

Зокир УБАЙДУЛЛАЕВ, Рўзимат САҲОЕВ,
Абсалом УСАНОВ, Абдумуталлиб РИЗОҚУЛОВ,

Муассис: Ўзбекистон Республикаси болалар
жамғармаси.

Газетамиз ҳомийси Ўзбекистон Республикаси Болалар
жамғармасининг "Чинор" илмий ишлаб чиқариш
бирлашмаси.

Тахририят келган хатларга ёзма жавоб қайтармайди. Шунингдек,
фуқаролар билан ташкилотлар ўртасида воситачилик ҳам қилмайди.
Газетамиздан олинган маълумотлар "Оила ва жамият"дан деб
қўрсатилиши шарт.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:

700078, Мустақиллик майдони, 5-бино. 3-
қават

Телефон: 39-43-95
Эркин ЭШОНҚУЛОВ навбатчилик қилди
Обуна индекси - 64654

Рўйхатга олиш №33
Буюртма №1-1254. 19124 нусхада чоп этилди.
Офсет усулида босилди.

Формати А-3, ҳажми, 2 босма табоқ.

1 2 3 4 5 6